

2022



Toshkent tibbiyot  
akademiyasi



O'zbekiston Respublikasi  
Sog'liqni saqlash vazirligi

## Abu Rayhon Beruniy ilmiy-madaniy merosining ahamiyati va uning fan taraqqiyotidagi o'rni

Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi

Google Scholar indexed



Toshkent tibbiyot akademiyasi

[www.tma.uz](http://www.tma.uz)

O'zbekiston  
Respublikasi  
Sog'liqni saqlash vazirligi

[www.ssv.uz](http://www.ssv.uz)

Mazkur to'plamda Toshkent tibbiyot akademiyasining "Abu Rayhon Beruniy ilmiy-madaniy merosining ahamiyati va uning fan taraqqiyotidagi o'rni" mavzusida Respublika ilmiy-amaliy anjuman materiallari kiritilgan.

To'plamga kiritilgan materiallarning mazmuni va sifatiga muallif(lar) javobgar hisoblanadi.

Toshkent - 2022

### ***Tahrir hay'ati***

Shadmanov Alisher Kayumovich

*Rektor, Tashkiliy qo'mita raisi*

Bobomuratov Turdiqul Akramovich

*Yoshlar masalalari va ma'naviy-ma'rifiy  
ishlar bo'yicha prorektor*

Azizova Feruza Lyutpillaeva

*Ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo'yicha  
prorektor*

Norqulov Suxrob Doshmurodovich

*Ijtimoiy fanlar kafedrasi mudiri*

Xudoyqulova Gulnora Karimovna

*Jamoat salomatligi kafedrasi mudiri*

Alimova Saboxat Gazievna

*Ijtimoiy fanlar kafedrasi dotsenti*

Umarova Farida Saidikramovna

*Ijtimoiy fanlar kafedrasi katta  
o'qituvchisi*

Muyassarova Muxabbat

*Jamoat salomatligi kafedrasi katta  
o'qituvchisi*

Muxamaddievn

*Ijtimoiy fanlar kafedrasi  
professori*

Abilov Ural Murodovich

*Ijtimoiy fanlar kafedrasi professori*

Norkulov Do'smurod Toshpo'latovich

*Ijtimoiy fanlar kafedrasi dotsenti*

Iskandarov Sherzod Abdug'aniyevich

*Iqtidorli talabalar bilan ishlash bo'limi  
xodimi*

Nurbayeva Xabiba Botirovna

### ***Moderatorlar***

Alimova Saboxat Gazievna

*Ijtimoiy fanlar kafedrasi dotsenti*

Nurbayeva Xabiba Botirovna

*Iqtidorli talabalar bilan ishlash bo'limi  
xodimi*

## АЖДОДЛАРИМИЗ ТАФАККУРИ ВА БУЮК ДАҲОСИ

**F. F. Утаев**

ТТА Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчisi

### АННОТАЦИЯ

Жамият ривожи инсоният тараққиёти билан узвий боғлиқ жараёнидир. Жамиятни янада ривожлантиришда тараққиётга муносиб хисса қўшган Шарқ мутафаккирлари, хусусан, ислом олами алломаларини илмий-фалсафий меросини ҳар томонлама ўрганишга алоҳида эътибор бериш долзарб аҳамиятга эга.

**Калит сўзлар:** Янги Ўзбекистон, Учинчи ренессанс, Шарқ ренессанси, Абу Райхон Беруний, фалсафа, фалсафий тафаккур, илмий-фалсафий мерос.

Бугунги кунда Янги Ўзбекистонда жадал илгари сурилаётган Учинчи Реннесанс ғояси кўп жиҳатлари билан қадимдан давом этиб келаётган миллий ва маънавий қадриятларимизга тааллуқлидир.

Шунинг учун ҳам ана шу даврда олиб борилган Шарқ ренессанси даври алломаларининг илмий-фалсафий меросини ўрганиш борасидаги тадқиқотларда

асосан материализм руҳи устуворлик қилиб, тарихий ҳақиқатлар бузиб кўрсатилди. Шу маънода тарихий адолатни тиклаш, алломаларимизни жаҳон

илмий-фалсафий билимлар ривожига кўрсатган таъсирини холисона ўрганиш давр талабидир.

Бу борада Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг қуидаги фикрлари ўринлидир: “Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, ҳалқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда қутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёsat, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморчилик, дәҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган ҳалқ дунёда камдан-кам топилади”<sup>1</sup> Аждодларимиз томонидан қолдирилган юксак маънавий меросни ҳар томонлама тадқиқ қилиш Янги

<sup>1</sup> Каримов, И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент, Маънавият нашриёти, 2008 й. 176 б.

Ўзбекистон тараққиётида фалсафий таълимни ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қиласди.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида “Буюк адаб ва мутафаккирларимизнинг, ибратли ҳаёти ва ижтимоий фаолиятини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, ёшларимизни ўзликни англаш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш”<sup>2</sup> даврнинг муҳим вазифаларидан бири эканлиги президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан таъкидланганидек, алломалари қолдирган ижтимоий-маънавий меросга бўлган эътибор қучайиб, мутафаккирларнинг жаҳон ижтимоий фикр тараққиётига қўшган ғоялари, фалсафий, ахлоқий, сиёсий, диний, маънавий-маърифий қарашлари халқимиз ихтиёрига қайтарилди.

Абу Райхон Беруний – улуғ ўзбек мутафаккир олими, ўрта асрнинг буюк даҳоларидан. Ўз замонасининг ҳамма фанларини, биринчи навбатда фалакиёт, физика, риёзиёт, илоҳиёт, маъданшунослик фанларини пухта эгаллаган. Бу фанлар тараққиётига қўшган ҳиссаси билан унинг номи дунё фанининг буюк сиймолари қаторидан жой олди.

Берунийнинг асарлари мусулмон Шарқ маданиятининг сўнгги ривожланишига катта таъсир кўрсатди.

Берунийнинг ўз ватани Ўзбекистонда ҳам унинг ижодига катта эътибор бериб келинмоқда. Ҳ.М. Абдуллаев, И. М. Мўминов, В. Ю. Зоҳидов, Я. Ф. Ғуломов, У. Каримов, С. А. Булгаков каби атоқли олимларимиз Беруний фаолияти ҳақида қатор рисола, асарлар яратдилар.

XIX асрдан бошлаб Европа ва Осиё мамлакатларида Беруний мероси билан қизиқиш янада кенг тус олди. Унинг асарлари лотин, француз, италян, немис, инглиз, форс, турк тилларига таржима этила бошланди. Беруний асарларига бағишлиланган европалик олимлар Ж.Рено, Э.Захау, Г.Зутер, Э.Видеман, К.Наллино, Ж.Сартон, Р.Райт, М.Меерхоф, рус олимларидан И. Ю. Крачковский, С. П. Толстой, А. А. Райнов, А. М. Беленицкий, А. А. Семёнов, Б. А. Розенфедц, осиё олимлари С.Х.Наср, М.Козим, С.Бараний, М.Низамуддин, Ш.Ялткай кабиларнинг китоблари, таржималари нашр этилди. Бу тадқиқотчилар Беруний ижодига жуда юқори баҳо бердилар.

Марказий Осиё худудида ижтимоий-сиёсий, фалсафий фикрларнинг ривожланишига IX-X асрларда ҳукмронлик қилган сомонийлар сулоласининг

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. Буюк алломалар, адаб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсади-да ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисидаги Қарори, Халқ сўзи, 2018 йил, 15-май

таъсири жуда катта эди. Улар даври Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино каби улуғ мутафаккирларни етиштириди. Бу давр олимлари дунёвий маърифатга интилиш, табиатга қизиқиш, табиатшунослик илмларини ривожлантириш; инсонни улуғлаш, комил инсонни тарбиялаш; универсаллик-қомусийлик, умуман, фойдали барча илмлар билан қизиқиш борасида ўзларини намоён қилдилар.

Ўзининг ноёб асарлари ҳамда оламшумул қашфиётлари билан жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига бекиёс ҳисса қўшган буюк мутафаккир ва қомусий олим, Илк Ренессанс даврининг ёрқин намояндаси Абу Райхон Берунийнинг илмий-маърифий меросини янада чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, ушбу йўналишда тадқиқотлар олиб бораётган етакчи халқаро илмий марказлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш, шунингдек, Абу Райхон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини халқаро миқёсда кенг нишонлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25.08.2022 йилда имзоланган ПҚ-361-сонли “Буюк олим Абу Райхон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини халқаро миқёсда кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорини<sup>3</sup> қабул қилиниши буюк аждодларимизга бўлган чуқур эҳтиром сифатида тарихий қадам бўлди.

Хужжатда ўзининг ноёб асарлари ҳамда оламшумул қашфиётлари билан жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига бекиёс ҳисса қўшган буюк мутафаккир ва қомусий олим, Илк Ренессанс даврининг ёрқин намояндаси Абу Райхон Берунийнинг илмий-маърифий меросини яна-да чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, ушбу йўналишда тадқиқотлар олиб бораётган етакчи халқаро илмий марказлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш, шунингдек, Абу Райхон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини халқаро миқёсда нишонлаш вазифалари тасдиқланган.

Юртбошимиз томонидан мазкур қарорда бир қанча мақсад, вазифалар ва чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Буюк адаб ва мутафаккирларимизнинг нодир мероси, ибратли ҳаёти ва ижтимоий фаолиятини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, ёшларимизни ўзликни англаш, миллий ва умуминсоний қадриятларга хурмат руҳида тарбиялаш, улар ўртасида китобхонлик маданиятини кенг оммалаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.05.2018 йилдаги “буюк алломалар, адаб ва мутафаккирларимиз ижодий

<sup>3</sup> <https://lex.uz/docs/6172044>

меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида”ги пқ-3721-сонли қарори<sup>4</sup> қабул қилинган эди.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда Шарқ ренессанси даври мутафаккирларининг илмий-фалсафий, ижтимоий-сиёсий меросини мукаммал даражада ўрганиш мамлакатимиизда замонавий таълимни ривожлантиришда муҳим асос бўлиб қолади.

<sup>4</sup> <https://lex.uz/docs/4887792>

**CONTENTS MUNDARIJA**

- 103.** Sherqo`zieva,, G. F., & Karimov, K. B. (2022). ABU ALI IBN SINONING DORISHUNOSLIKKA QO`SHGAN XISSASI. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 381-384.
- 104.** Sherqo'ziyeva, G. F., Egamberdiyeva, Z. Z., & Bahriiddinova, M. N. (2022). IKKI BUYUK DORISHUNOS ALLOMALAR. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 385-387.
- 105.** Eshquvatova, G. O. (2022). ABU RAYHON BERUNIY IJODINING TIBBIYOTDAGI O'RNI. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 388-390.
- 106.** Raxmonov, A. A. (2022). VIII-IX ASRLARDA ISLOM IQTISODIYOTI NAZARIY-FALSAFIY ASOSLARINING SHAKLLANISHI. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 391-394.
- 107.** Chaldbayev, I. (2022). SHAYBONIYLAR DAVRIDA SIYOSIY TARIXI. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 395-398.
- 108.** Бўриев, О., Искандаров Ш. & Хўжаёров, А. (2022). АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙНИНГ “ХИНДИСТОН” АСАРИ НОЁБ ЭТНОГРАФИК МАНБА СИФАТИДА. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 399-411.
- 109.** Утаев, F. F. (2022). АЖДОДЛАРИМИЗ ТАФАККУРИ ВА БУЮК ДАҲОСИ. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 412-415.
- 110.** Тураев, Б. О. (2022). БЕРУНИЙ ФАЛСАФАСИ ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМЛАРИ ТАЛҚИНИДА. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 416-426.